

# Ishonch

2019 йил 5 ноябрь • сешанба • № 134 (4263)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ташаббуси билан бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида Samarkand Half Marathon – халқаро хайрия марафони ўтказилди.**

Дунёнинг 23 давлатидан келган 1100 нафардан ортиқ спортчи ва ҳаваскор Ислам Каримов кўчасидан 10; 21,1; 2 километр масофаларда марафонга киришди.

Марафончилар Самарқанд шаҳри кўчалари бўйлаб, жумладан, Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати

## Самарқандда илк бор халқаро марафон ўтказилди

Хизр масжиди, Ҳўжа Дониёр ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Бибиноним масжиди сингари тарихий обидалар олдидан белгиланган масофани босиб ўтди. Уларни шаҳар аҳолиси, меҳмонлар олқишлаб турди.

10 километрлик масофага биринчи бўлиб қозғистонлик Дмитрий Иванчуков етиб келди. Иккинчи ўрин ҳамюртимиз Евгений Фадеева, учинчи ўрин эса қозғистонлик яна бир спортчи Михаил Красиловага насиб этди.

10 километрлик масофада хотин-қизлар ўртасида ҳам қозғистонлик спортчи Татьяна Нерознак ғолиб бўлди. Ўзбекистонлик Зарнигор Худойбердиева маррага иккинчи, Марина Хмелевская эса учинчи бўлиб етиб келди.

21,1 километрга югурган марафончилар орасида ҳамюртимиз, сурхондарёлик Шохрух Давлатов биринчи бўлди. У ушбу масофани 73 дақиқада босиб ўтди.

Кейинги ўринлар ҳам мамлакатимиз вакиллари – Андрей Петров ва Бегзод Сафаровга насиб этди.

Хотин-қизлар орасида ҳам ушбу масофада мамлакатимиз вакиллари тенгсиз эканлигини исботлади. Наманганлик Нурхон Мухиддинова марра чизигини биринчи босиб ўтган бўлса, Екатерина Тунгусова иккинчи, Тамил Кочкарова учинчи бўлди.

2 километр масофада марафон қатнашчилари сони кўп бўлди. Спортчилар билан бирга ҳаваскорлар кўпчиликти таш-



кил этди. Ушбу масофада марра чизигини фарғоналик Хуршид Аҳмадалиев биринчи бўлиб босиб ўтди. Хотин-қизлар ўртасида Самарқанд давлат университети талабаси Маржона Баротова биринчи бўлди.

Марафон ғолиблари ташкилотчиларнинг пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, фаол иштирокчилар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА муҳбири



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олован суратлар.

### КУН НАФАСИ

Президент «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни имзолади.  
«Hucquqiy axborot» телеграм канали

«Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.  
uz.a.uz

Ҳукумат қарори билан 2019 – 2022 йилларда электротехника санъатини жадал ривожлантириш дастури тасдиқланди.  
«Hucquqiy axborot» телеграм канали

Тошкент шаҳрида 2 ноябрь кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.  
uz.a.uz

Тошкентда 4 ноябрь кuni «Дин ва қонун устуворлиги» мавзусида Ўзбекистон – Америка илмий-амалий семинари бошланди.  
uz.a.uz

Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов Ҳиндистон мудофаа вазири Ражнатх Сингх бошчилигидаги делегация вакиллари қабул қилди.  
Мудофаа вазирилик Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида авиация соҳаси бўйича музокаралар бўлиб ўтди.  
uz.a.uz

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази, Ягона интегратор UZINFOCOM ва «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази» давлат унитар корхонаси, my.gov.uz сайтида IMEI бўйича мобил қурилмани рўйхатдан ўтказиш хизматини йўлга қўйдилар.  
my.gov.uz

«Технион» Исроил технология институти Материалшунослик ва муҳандислик кафедраси профессори, кимё бўйича Нобель мукофоти лауреати Дан Шехтман жорий йилнинг 3 ноябрь кuni Ўзбекистонга келди.  
mininnovation.uz

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцянинг жорий йил 1-2 ноябрь кунлари республикамизга амалга оширган расмий ташрифи давомида икки давлат ўртасида мева экспорт-импортини амалга ошириш билан боғлиқ 2 та муҳим келишув ҳужжати имзоланди. Имзоланган биринчи келишув натижасида, мева-ларни автотранспортларда учинчи мамлакат ҳудудидан транзит орқали Хитойга экспорт қилиш имконияти яратилди ва буни амалга ошириш бўйича талаблар белгиланди.  
uz.a.uz

«InnoWeek - 2019» инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ўтказилган халқаро робототехника мусобақасида юртимиз ёшлари жамоавий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади.  
uz.a.uz

ТИКХММИ ректори Ўқтам Умурақов Ўзбекистон Республикаси ва Глобал конфедерацияси (GCHERA) тарихида илк бор GCHERA'нинг Ижро қўмитасига 4 аъзодан бири сифатида сайланди.  
kun.uz

### Ҳамкорлик



Искандер ҲАСАНОВ олован сурат.

## Мажбурий меҳнатга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси ўрганилмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Малайзиянинг бирламчи сановат вазирлиги делегацияси билан учрашув ўтказилди. Мазкур делегация АҚШ меҳнат вазирлигининг одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш ваколатини қайта расмийлаштириш бўйича далолатномасида қайд этилган мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати масалаларини муваффақиятли ҳал қилишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш мақсадида ташриф буюрган.

2 >

### Сирдарё вилояти

## Юрт гавҳарига айланаётган Сирдарё

Қақраган чўл ўрнида матонатли меҳнат эвазига барпо этилган Сирдарё вилоятида кўп йиллар давомида асосан аграр соҳада меҳнат қилинди. Телевидение орқали Сирдарё тўғрисида намойиш этилган лавҳаларда ҳам чигит экиш бошлангани ва терим жараёнлари кўрсатилар эди, холос. Республикамизда вилоят имижини йўқ ҳисоби эди. Туман, шаҳар марказларида фойдаланишга топширилган иншоотлар сони ҳам сийрак бўлиб, булар инновацияга хизмат қилмасди.

Мамлакат пойтахтига энг яқин Сирдарё ҳудуди тўғрисида тасаввур етарлича бўлмаган ҳам. Таълим, шифо, дам олиш, кўйинги, каттароқ харид учун ҳам пойтахтга, қўшни вилоятларга борилган...

Сўнгги йилларда муносабат, аҳвол буткул ўзгарди. Сирдарё номи тез-тез тилга олинган бўлди. Ўзгараётган Сирдарё бугун кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Янгиликларни қаламга олган журналистлар «Сирдарёнинг сирлари» ҳақида ўз таассуротларини баён қилишаётир. Бугун мамлакатимиз Сирдарё намунаси, унинг илғор тажрибаларига гувоҳ бўлаётир.



Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятни ривожлантиришга қаратилган улкан лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Вилоятнинг ички имкониятлари, иқтисодий салоҳияти ортиб, кўплаб хорижий сармоядорлар ҳудудга фаол инвестициялар жалб қилишмоқда.

Айтиш мумкинки, сўнгги уч йилда ақлни лол қолдирувчи тезликда ўзгаришлар бўй кўрсатди. Вилоятда йирик салоҳиятли корхоналарни ишга тушириш, бунга хорижлик ҳамкорларни жалб этиш борасида дадил қадамлар ташланди. Буни ҳудудда иш бошлаган кўплаб қўшма корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин.

2 >

### Бухоро вилояти

## Ўйин ортидаги хавф

ёхуд ўйинчоқларнинг фарзандларимиз руҳиятига таъсирига дахлдор ҳужжатга эҳтиёж бор

Боласига ажойиб-у ғаройиб нарсаларни совға қилишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Тўхфа шундай бўлиши, керакки, норасида учун ўша нарсани охири-оқибати энг сеvimли буюмларидан бирига айлансин. Уни қўйдан қўймайсин. Бир томондан, шундай овуноқоғи борлигидан шодланиб, фахрланиб, ўр-

тоқлари олдида мақтаниб юрсин. Иккинчидан, совға боланинг феъл-атвориғам таъсир қилсин. Аниқроғи, унинг ёрдамида «пишқир-пукта», ўрисча айтганда, «деловой»-у «қрутой» бўлсин. Ҳеч кимдан кўрқмай, бошқа болаларга гадани ўтказсин. Кези келганда, уларнинг адабини бериб қўйсин. Учунчидан, шу билан ан-

дармон бўлсин. Қулоқ ҳам тинч. Тўғри-да, турли ташвишлар кўндаланг турганда бола-бақранинг ортиқча хархашаси кимга ёқарди. Ҳамма гап ўша совғани – зорманда ўйинчоқни топилмади. Бу борадаги «тавсиялар»имиз сизга асқотади деб ўйлаймиз.

3 >



## Эҳтиром шодиёнаси

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб...

### ЯНГИ ДАВР БОШЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш Халқаро Конгресс марказида ўтказилишини кўпчилик кутмаганди.

– Нима, «Тошкент-Сити»да қурилиш ишлари шу қадар қисқа муддатда тугалландими?

– Халқаро Конгресс маркази шунча издиҳомни сиғдира оладими?

– Тагин...

4 >

### Мулоҳаза

# Юрт гавҳарига айланаётган Сирдарё

Тиббиётга тегишли кўпгина буюмлар, кийим-кечак, чарм маҳсулотлари, қурилиш молларининг сифати ва сони кўпайтирилди. Эндиликда ишлаб чиқариш мураккаб бўлган хонадон лифтлари, «ақлли» ашик, қўл телефони, планшет каби электроника маҳсулотлари сирдарёлик меҳнаткашлар томонидан тайёрланмоқда.

«Пенг-шенг», «Сирдарё мега люкс» кўшма корхоналари, «Сирдарё универсал ойна» МЧЖ маҳсулотлари кўпга мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Яқинда вилоятда бўлиб ўтган I Халқаро инвестиция форуми ишида 200 тадан ортиқ хорижий компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Улар

нинг қизиқиши ва эътирофлари имзоланган қатор шартнома ва истиқболли режаларда акс этди. Бу лойиҳалар вилоятнинг эртаси бугунидан яхши бўлишига далолатдир.

Миришкор деҳқонлар ерга ишлов бериш, экин экиш борасида ҳам замонавий услулardan фойдаланмоқда. Илмий ёндашув ва тажрибага суянган ҳолда юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Бозорни ўрганиб, фойдали экинлар экатган деҳқонни ҳақиқий ишбилармонга айланди дейиш мумкин.

Кези келганда, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотларини яхшилаш, канализация тизимини тарумиллаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилаётганини таъкидлаш лозим. Неча

километрлик масофадан чучук Зомин суви келтирилиши аҳоли кўнглидаги иш бўлди. Айни пайтда барча хонадонларни боғловчи сув қувурлари ётқириш ишлари якунига етай деб қолди. Бу хайрли иш амалга оширилгач, аҳолининг кўп йиллик тоза ичимлик суви бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Юрт тараққиёти, фаровон турмуш ҳар бир ватандошимнинг устувор мақсадига айланган. Ҳар бир ютуқ замирида чин дилдан бажарилган меҳнат, шу билан бирга давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамжихатлиги мужассам.

Вилоят маркази Гулистон шаҳрида қисқа фурсатда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Янгидан қурилиши, реконструкция қилиниши ва му-



Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ, Сирдарё вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

умумий ер майдони 45 гектарни ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, улкан ўзгариш ва ривожланишлар ҳудуднинг барча қисмига тегишли. Айниқса, Янгийер шаҳрида янги санаторий қурилатгани барчани хушнуд этди. Юртдошларимиз, айниқса, вилоят аҳолиси саломатлигини тиклаши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида 31,3 гектарлик майдонда бугун қурилиш ишлари авжида. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi «Капитал қурилиш» бошқармаси ходимлари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа қиймати 67 миллиард сўмдан ошди. Шу йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши кутилаётган иншоот ҳудудда айни дамда 250 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда. Уйлаймизки, ушбу гўзал маскан юртимиз аҳолисини Сирдарёга чорловчи омиллардан бири бўлади.

Ҳа, Сирдарё улкан ўзгаришлар майдонига айланган. Айниқса, Гулистон бугун номига муносиб бўлиб, ҳақиқий гўзаллик касб этган. Кечаси шаҳарни сайр қилган киши порлаб турган сон-саноксиз чироқлар, муслиқий фавворалар, замонавий йўлакчалар, ўриндиқларни кўриб бир зумда чарчоғи ёзилди. Кундузи қиёфа ҳам янада кўркам, суюмли. Товланиб турган биноларга боқиб, завқланиб беихтиёр хаёлингизга «оқ шаҳар» деган таърир келади.



«Урганчтрансгаз» унитар корхонаси касабаси уюшма қўмитаси маъмурият ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида қатор тадбирлар ташкил қилинди.

– Биз ушбу кун ёшлар қалбида бир умр муҳрланиб қолишини ва уларга иштиёқ ва куч-ғайрат бағишлашини ният қилдик, – дейди корхона касабаси уюшма қўмитаси раиси Равшан Эшчанов.



## Келажакимизни ўзимиз қураимиз

### ЎТМИШГА НАЗАР

Унитар корхона тарихи, тараққиёт босқичлари, бу ердаги узоқ йиллик фаолияти билан соҳа ривожига барқалиб улуш қўшган инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил қилинган. Бунга маъмурият ва касабаси уюшмаси бош бўлди. Тасарруфдаги барча корхоналар уни экспонатлар билан бойитишга ҳисса қўшишди. Магистрал қувурлар қирғинлари қалолатлаган бўйруқ ва қарорлар, корхонада ишлатилган алоқа воситалари ва бошқа қатор буюмлар, кўргазма воситалари музейдан жой олди. Экспонатлар сони мингдан зиёд.

Музейдан ўрин олган маълумотларга кўра, 1963 йилнинг 28 мартида «Главгаз»нинг 92-сонли бўйруғига асосан «Бухоро-Урал» магистраль газ қувурлари қурилиш дирекцияси Урганч бўлими ташкил қилинган. Корхона ўн йиллар давомида турли номлар билан аталган. Бироқ, унинг зиммасидаги вазифа ўзгармаган. Ҳозирда «Урганчтрансгаз» унитар корхонаси Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчиларига табиий газни етказиб бериш ҳамда давлатлараро шартномаларга асосан «Газли-Нукус», «Бухоро-Урал», «Ўрта Осиё-Марказ» ва «Хива-Бейнеу» магистрал газ қувурлари орқали табиий газ транспортировкаси, жумладан, Ўзбекистон газининг МДҲ мамлакатларига экспорти, Туркманистон ва Қозғистонга транзитини амалга ошириб келмоқда.

### УСТОЗЛАР ИБРАТИ

Тадбир узоқ йиллар корхонага раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси Зуфар Ботиров ва корхона ўқув-соғломлаштириш маркази директори Баҳром Аевзов билан самимий суҳбатдан бошланди. Зуфар Ботиров ҳар бир ёш мутахассис корхона ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиш учун ҳаракат қилиши лозимлиги, тор соҳага доир билимлар билангина чекланиб қолмай, адабиётга ошно тутилиб, тарихни чуқур ўрганиши зарурлигини

таъкидлади. Баҳром Аевзов эса ўқув марказида ёш кадрлар салоҳиятини ошириш учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

### ОЧИҚ МУЛОҚОТ, ОШКОРА ТАҲЛИЛ

Корхона раҳбари ва ёшларнинг очиқ мулоқоти тадбирларнинг авж нуқтаси бўлди.

– Бу ерда раҳбар йўқ, мен сизнинг сафдошингизман, – деди корхона раҳбари Аминбой Аминов. – Мана шу ёндашув асосида фикр ва таклифларингизни билдиришларингиз мумкин.

Мулоқотга корхона фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан таклифлар билан келган ёшлар ўртасида жонланиш кўзга ташланди.

– Ушбу текислигида газ қуйиш соҳасида ташкил қилиниб, корхона машиналари ҳам майдондан фойдаланиш жорий этилиб, маблағ иқтисод қилинади, бошқа машиналарга хизмат кўрсатиш эса қўшимча даромад олиб келади, – деди. Кўнғирот магистраль газ қувурлари бўлими ходими Умарбек Ҳайитметов.

Мулоқот давомида ёш мутахассислар ўртасида турли танловлар уюштириш, ўрта махсус маълумотли ёшларнинг олий маълумот олишларига шароитлар яратиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, соҳага доир адабиётларнинг электрон базасини яратиш, иссиқхоналардан самарали фойдаланиш ва бошқа масалаларда ўнлаб таклифлар берилди.

Тадбирдан сўнг ёшлар Урганчдаги ёшлар марказида бўлишти. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши, вилоят прокуратураси, маънавият ва тарғибот маркази вакиллари билан учрашув ташкил қилиниб, долзарб мавзуларда мулоқотлар олиб борилди.

Ёшлар иттифоқи ижодий хаваскор жамоаси томонидан ташкил қилинган театрлаштирилган томошалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаббат ТҮРАБОВА, «ISHONCH»

## Мажбурий меҳнатга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси ўрганилмоқда

Учрашувда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланган касабаси уюшмалари 14 та тармоқ касабаси уюшмаси ва 32,4 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларда 5,1 миллиондан ортиқ ишчи-ходимни бирлаштирилади. Бугунги кунга қадар касабаси уюшмаларининг ҳимоя функциялари асосан бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда амалга оширилаётгани, ратификация қилинган халқаро қонунлар ҳамда миллий қонунчилик талабларига риоя этиш борасида амалга оширилган ишлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидланганда, бугун Ўзбекистон касабаси уюшмалари хорижий ижтимоий-иқтисодий димларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар маъқу-

лангани ҳамда Сенатга юбориш ҳақида қўйи палатанинг қарори қабул қилиниши касабаси уюшмалари қонунчилигини мустақкамлашда муҳим қадам бўлди.

Меҳмонларга, шунингдек, Ўзбекистон касабаси уюшмалари томонидан мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бунда фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, халқаро меҳнат стандартлари, шу жумладан, ХМТ Конвенцияларини татбиқ этиш борасида олиб борилган бўлган тизимли ишлар тўғрисида маълумот берилди. Касабаси уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси қошида тун-у кун фаолият кўрсатаётган «Call center»ни ўз ичига олган аҳоли билан қайта алоқа механизми тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди. Касабаси уюшмаларининг ижтимоий мулоқоти ривожлантириш борасидаги фаолиятини кучайтиришга йўналтирилган ишлар ва шу мақсадда жамоа музокарали ва жамоа-шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан муфассал сўз юритилди.

– Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш масаласига жаҳон миқёсида катта эътибор қаратилади, – деди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Малайзия делегацияси ташриф давомида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати чек қўйишда Ўзбекистон тажрибаси билан танишдилар. Халқаро меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан учрашадилар. Зарурат бўлса, пахта далаларидаги ҳолат, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзлари билан кўриб баҳо беришлари мумкин.

Шундан сўнг делегация вакиллари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Юридик клиника фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мурожаат йўлланганидан кейин ҳудудларда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати фойдаланиш ҳолатлари қайд этилганда кўриладиган чоралар, ташкил этилган ишчи гуруҳлар мониторинги ҳамда муаммони ҳал этишда эътибор

қаратиладиган жиҳатлар меҳмонларда қизиқиш уйғотди. Бу борада ўзларини қизиқтирган амалиётга оид саволларга жавоб олишди.

– Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати чек қўйишдаги фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда, – дейди Малайзия бирламчи саноат вазирилиги бош вазири ўринбосари Тоисин Гантор. – Хусусан, юртингизда бу борадаги илк қадамлар 2010 йилда бошланган бўлса, бугунги кунга келиб тўлиқ барҳам топилгани эришилди. Бу жуда катта ютуқ. Биз бу тажрибани ўрганиб, маълумотларни таҳлил қилиб, ўзимизга мослаштириш мумкин бўлган жиҳатларни Малайзияда амалга татбиқ иш ниятидаммиз. Айни чоғда олган маълумотларимиздаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни белгилаб олаймиз. Масалан, Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати асосан пахта йиғим-терими билан боғлиқ бўлса, бизда бироз бошқачароқ. Бу ҳолда, хусусан, палма ёғи етиштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда учрайди. Ҳамма йўналишларни белгилаб, чегаралаш бироз қийин. Шу босис, ҳамкорликни йўлга қўйганимиздан мамнунмиз. Келгусида ҳам тажриба алмашишни давом эттириш умидимиз.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

### Навоий вилояти

Бошланғич ташкилотда ишнинг қай даражада йўлга қўйилиши биринчи навбатда касабаси уюшма қўмитаси раиси, унинг билим даражаси ва салоҳиятига боғлиқ.

Дил сўзи

## Малака бор – муаммо йўқ

Жорий йилнинг 7-11 октябр кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ўқув маркази ўтказган навбатдаги ўқув кунларида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда фаолият юритаётган туман ва шаҳар халқ таълими бўлими бошланғич касабаси уюшма қўмиталари раислари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич касабаси уюшма қўмиталари раисларидан иборат 25 нафар тингловчи иштирок этди.

Ўқув машғулотларида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси М.Худдиев, ўқув маркази директори И.Умароқунов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Д.Муҳаммадиева ҳамда ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Л.Турикова, Ўзбекистон халқаро ислом академияси кафедра докторанти Н.Муҳаммедовлар ўтган ўқув машғулотлари баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Ушбу ўқув машғулотларида биз фаолиятимиз давомида дуч келаятган муаммолар ва тўсиқлар, ечимини кутаётган масалаларга жавоб топдик, деб ўйлайман. Кўтарилган бир қатор мавзулар асосида фаолиятимизга тегишли қонунлар ҳамда соҳага оид меъриий ҳужжатлар хусусида батафсил маълумотларга эга бўлдик.

Гавҳар ҲАҚНАЗАРОВА, Навбахор тумани халқ таълими бўлими бошланғич касабаси уюшма қўмитаси раиси

### Тошкент вилояти

«Тошкент иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятида 1138 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган.

Бу борада бошқариш тизими мавжуд бўлиб, ходимлар билан ишлаш, иш жойларида хавфсизлик техникаси ҳолатини текшириш ва яхшилаш чора-тадбирлари мунтазамлик касб этган. Касабаси уюшма қўмитаси ходимлари меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар билан ҳар ҳафтада бир мартаба жадвал асосида корхонада назорат-текширувлар ўтказди. Бу жараёнда корхонанинг мустақкамлик ва меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими ходимларининг ҳам алоҳида ўрни ва хизмати бор.

Корхонада ҳар ойнанинг иккинчи сешанбаси «Хавфсизлик техникаси куни» деб эълон қилинган. Махсус ўқув марказида янги келган ходимлар дастур асосида ўқитилади. Махсус курсдан сўнг ишчи-ходимлар меҳнат муҳо-

заси ва техника хавфсизлиги бўйича имтиҳон топширади. Жорий йилда

## Нур улашинг завқи ёхуд муносиб шароит яратишинг иш унвондорлигига таъсири хусусида

ўқув марказида 490 нафар ходим ўқитиб, уларнинг малакаси оширилди. Таъкидлаш жоизки, корхонада 371 нафар аёл ва 400 дан зиёд ёшлар меҳнат қилади. Корхона маъмурияти ва касабаси уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида «Ёшлар

учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар», «Аёллар меҳнатини тартибга солиш», «Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» каби бўлимлар мавжуд бўлиб, улар тўлиқ бажарилмоқда.

Бола парвариши учун таътилда бўл-

ган ёш оналарнинг 20 нафарига тўрт миллион саккиз юз минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг юбилей саналари муносабати билан ўн етти нафарига 33 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар ажратилди. Пенсияга чиқаётган ходимлар муқофот пули

билан тақдирланди, 11 нафар пенсионерга 34 миллион сўм берилди.

2019 йилнинг шу даврига қадар корхона ишчи-ходимларига муносиб меҳнат шариоити яратиш мақсадида 245 миллион сўм маблағ сарфланди. Нокўлай меҳнат шароитларида ишлаётган

453 нафар ишчи-ходим сўт маҳсулотлари билан таъминланган ва бунга йил бошидан буён 45 миллион сўм ажратилди. Ходимларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш учун 19 миллион сўм сарфланди.

Корхонада ходимлар мажбурий

суғурта қилинади. Ушбу мақсадда 121 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 2018 йилда корхонада иккита енгил жароҳатланиш қайд этилган. 2019 йилда эса битта енгил жароҳатланиш ҳолати содир бўлган. Жароҳатланган ходимларга даволаниш ва саломатликларини тиклашлари учун моддий ёрдам берилмоқда.

Корхона касабаси уюшма қўмитаси ходимларнинг соғлигини тиклаш ва маданий-маърифий дам олишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу кунгача 47 нафар ишчи-ходим санаторийларда саломатликларини тиклашди. 221 нафар ходим оила аъзолари билан биргаликда дам олиш уйларига юборилди. Ходимлардан 40 нафар қадимий Бухоро шаҳрига зияратга борган бўлса, 36 нафар ёш эса Тошкентдаги янги бунёдкорлик, улкан қурилишлар билан танишиб келди.

Мунира ҚОСИМОВА, «Тошкент иссиқлик электр станцияси» АЖ касабаси уюшма қўмитаси раиси



шубҳамиз йўқ. Уларни топиш ҳам муаммо эмас. «DRUGOY KIDS» дўкони бу борада хизматингизга шай.

Мабодо, қиз болаларга «мос» ўйинчоқ керак бўлса, ниқоби «соҳибжамол» леди Баг ва унинг шериги Супер Кат қиёфасидаги кўйирчоқ тўпламларини тавсия этамиз. Қизалонингизда

томатлари сотиляпти. Ўйинчоғи, албатта. Лекин ҳақиқийсидан фарқлаш қийин. Ёрликларига Олмазордаги ўйинчоқ фабрикасида тайёрлангани ёзилган. Ҳар ҳолда ўзимизнинг «маҳсулот».

Пайсалга солмай, ишга киришинг. Нима, синфдошларини муал-



Қорақалпоғистон Республикаси Оғриқ тишлар...

# ЎЙИН ОРТИДАГИ ХАВФ

## ёхуд ўйинчоқларнинг фарзандларимиз руҳиятига таъсирига дахлдор ҳужжатга эҳтиёж бор



лимларини шартта отиб ташлайдиган америкалик ўқувчилардан ёки қурол билан тугилиб, қурол билан

«КЕННОЙИНИ КЎРҚИТАРСИЗ...»  
Бир танишим айтиб қолди. У «Марказий бозор»даги ўйинчоқ дўконларидан бирида кўйирчоқ танлаётиб ногоҳ сапчиб кетибди. Уша лаҳзада қўлига илон ўралиб олгандек туюлибди. Ўзини босиб, яхшироқ қараса, у оддий ўйинчоқ экан. Резинадан ишлангани, ўзидан-ўзи силкиниб тургани учун нақ тирик илоннинг ўзи дейсиз. Бошқа ўйинчоқлар орасида вишиллаб, ўрмалаб юргандай кўринади. Шу боис ҳам ҳалиги танишим чўчиб кетибди.

Лекин ҳозирги болалар учун бундай нарсалар чўт эмас. Ҳеч ҳайиқмай, «илон»ларни харид қилверинг. Боя биз тилга олган дўконларнинг барчасида шундай ўйинчоқлар бор. Ранглири, қалинлиги узулиги турлича. Нархлари эса чўнтакпо – 8 мингдан 20 минг сўмгача. Бир сотувчи қиздан «Бунақа ўйинчоқдан болалар кўрқмайди?» деб сўрасам, «Қаёқда! Нимасидан кўрқшади бунинг! Аммо кеннойини кўрқитсангиз бўлади» деди ҳазиллашиб.

Сизга, аввало, кулранг капча илон (кобра)ни тавсия қилган бўлардиқ. «У нимага керак?», дейсизми?! Нимага бўларди – шумтақа ўғлингиз синфдош қизларини ё ўзингизга паст баҳо кўйган муаллимларини кўрқити-да!

Рустам ИБРАГИМОВ,  
«ISHONCH»

**Р/С. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини қабул қилинган «Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент»да ўйинчоқларнинг бола саломатлигига таъсирига дахлдор жиҳатларга ургу берилган. Назаримизда, уларнинг фарзандларимиз руҳиятига таъсири борасида ҳам ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилишига эҳтиёж бор. Зеро, айрим ўйинчоқ дўконларида сотилаётган кўрқинчли, мудҳиш қиёфадаги «супер қаҳрамон»лар, ажаб-**

**товур қуроллар-у заҳарли илонларнинг макетлари ўйинчоқ кўринишида норасида қалбини вайрон қилмаслигига кафолат йўқ. Уларнинг хавфи этни сескантирадиған, зўравонлик руҳидаги турли кўрқинчли ва жангариларнинг фильм ҳамда мультфильмларнинг хатаридан асло кам эмас.**

**«DRUGOY KIDS» дўконида қираверишда «Ребёнок играет – мама отдыхает» деб ёзилган. Тўғри, бола ўйнайди – она эса дам олади, тўғрироғи, фафлатда қолади. Ана шунисидан асрасин!**

**АМОНЛИК» САРИ**  
Амни билсангиз керак хил фалокатларни, ёвузларга қарши эпчил, доворакдаги фильм-у мульт-фарзандингиз унинг айлангандир? Ундай деярлик деяверинг. Бухоро қасбий бозор»ни ай-слом Каримов кўча-У KIDS» номли ўйин-ингиз тушса, «спай-о-биридан «кўркам», «кўйирчоқларни-ю тасиз.

### ЎЗИМИЗНИНГ «КАЛАШНИКОВ»ЛАР

Мертангли-у одамларни чағдастлик-ла отиб ташлаш ҳам катта «маҳорат». Алламбало туюшлар чикариб, ўзгача «завқ-шавқ» берадиган лазерли, ўқли, дурбинли ҳамда электрон ўйинчоқ автоматлар бу борада кичкинтойларга дастлабки «сабоқ» бўлиши шубҳасиз. «Оборона», «Shark» AB-15, «JUSTICE FORCE», «ОПЛО Virtual Reality», «Scar», «Battlegrounds» ва ҳоказо русумли аслаҳалар тўпламлари ёдингизда турсин. Улар бироз қимматроқ, «DRUGOY KIDS» дўконидан бу «ўйинчоқ»ларни 130 мингдан 270 минг сўмгача пуллашяпти. Аммо шунга арзийдиёган-да. Агар чўнтагингизни ўй-ласангиз, «Марказий бозор»даги 70-75 минг сўмлик автоматлар ҳам бўлаверди.

Қуролнинг сарасини Бухоро шаҳридаги «Карвон савдо» бозоридан ҳам топасиз. У ердаги дўконлардан бирида машҳур Калашников ав-

ряпти. Супер қаҳрамон бўлиб, мураккаб «аслаҳаларни моҳирона ишла-тиш осон эмас-да, ахир!

### Қаҳрамондаги 13-ихтисослашган таълим мактабининг ўқитувон Мўминованиннг фикрлари тортди.



малар билан тежаш керак бўлса-ю, мана шундай «иктисод» улуғларнинг ҳурматиға пугур етказиш эвзизига келса, адолатданми?!  
Адабий манбалардан биридан ўқиб қолдим. Заҳрирдан Муҳаммад Бобур авлодларидан бири Зиёвуддин Тўсий 1993 йилда Тошкентга келган эканлар. Мавлоно сафари қариб қолган бир лаҳзада ҳамюртларимизга шундай сўзларни айтибдилар:  
– Биз эртага ҳазрати Бобур Ватанидан ҳазрати Бобур Ватанига қайтамиз! Ўзбекистонда Бобур Мирзо шахсияти ва ижодига нисбатан буюк бир эҳтиромнинг гувоҳи бўлдик, лекин бир нарсани бизни жиндай таажубга солди. Бизга шундай туюлди, аксарият жойларда у улуг зотнинг номларини тоқ туттишар, яъни Бобур деб атар эканлар. Эҳтимол, биз янглишармиз. Бизнингча, бу ҳазрати Бобурдек беназир инсонга асло тўғри келмайди. Ахир олий шох Бобур Мирзодек шахслар неча ўн йилларда дунёга бир бор келади, тўғрими? Онамиз Лайло Уммахоно бизнинг бундай қилишимизга асло йўл қўймаган бўлур эдилар. Ёш бола чоғларимиз бу нарсага ақлимиз етмас, беихтиёр «Бобур» ёки «Темур» деб озғимиздан чиқиб кетса, онамиз бизни қаттиқ койир, ҳатто, аямай ураб эдилар.  
Мана сиз-у бизга танбех! Чиндан ҳам биз улуг аждоқларимизга, ота-боболаримизга нисбатан исломий эҳтиромни унутиб қўйганимиз сир эмас. Аллоҳ назар қилган не-не улуг зотларнинг ҳам худди бешигини тебратгандек, беписанд муомала, муносабатда бўлаверамиз. Буюк шахслар номлари билан аталадиган ўн-

### Мушоҳада

лаб корхона, ўқув даргоҳлари, муассасаларда чала-ярим битиклар билтиганига кўничиб кетганмиз.

Айримлар шундан-узоқ ёзиш шартми, деб ўйлайдилар. Алишер Навоий ҳазратлари «Маъжolis ун-нафоис» асаридан замонасининг 500 дан зиёд қалам аҳли ҳақида сўз юритиб, бирон-бир аҳли ижод номини қисқартириб келтирмайдилар.

Гап исмлар ҳақида борар экан, яна бир муаммо. Русийзабон муомалада исмларни қисқартириб, эркалаш маъносидан кичрайтириб қўллаш расм бўлган. Григорийни Гриша, Иванни Ваня, Александрни Саша, Татьянани Таня, Натальяни Наташа... деб иззат маъносидан кичрайтади. Бир пайтлар бизда ҳам мана шунга тақлидан исмларни кичрайтириш урф бўлди ва бу ҳозир ҳам чала ярим давом этипти. Абборини Або, Дониерни Дони, Зуляфияни Зуля, Дилфузани Дил... деб қақирсақ, гўёки замонавийлашиб қолгандек бўляпти. Халқимиз бунақа зўрма-зўраки атамаларни қабул қилмайди. Улар истехзо, кино, мазах маъносидан кўпроқ қўлланилади. Ёзувда ҳам тартибга риоя қилмоғимиз шарт.

Имло билимдонлигимизни белгилувчи мезонлардан бири номларнинг асл моҳиятини тўғри тушуниб талқин қилишдадир. Айрим саводсиз кимсаларнинг нўноқликлари оқибатида туғилганлиги ҳақидаги ҳужжатларда исм-шарифларга «Юлдашев», «Гапиров», «Аманов», «Сабирходжаев», «Бабаева» (агар бўлиброқ талаффуз қилинса, Баба Ева)... каби нотўғри ёндашувлар қанчалик можаҳорларга сабаб бўлганлигини ҳам унутмайлик. Пала-партишлик ҳозир ҳам давом этипти.

Комилликка эришиш учун инсоннинг сийрати ҳам, сурати ҳам мукамал бўлиши зарурлигини биллашимиз. Исмларни ёзганда ва тилга олганда нотўқис кирийиб, кўчага чиққан одамнинг ҳолига тушиб қолайлик.  
**Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ,**  
журналист

### Қаҳқадарё вилояти

## Ишонч оқланди(ми?)

2017 йилнинг 28 декабрида Ички ишлар вазирлиги ва Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2019 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви имзоланди.

Унга асосан Қаҳқадарё вилоятида ҳам ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тизимда бошланғич касабга уюшма қўмиталари тузилди. Бошланғич ташкилотларнинг салоҳиятини юксалтириш, фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида Қаҳқадарё вилояти Ички ишлар ходимлари Бирлашган касабга уюшма қўмитаси ҳам ташкил этилди.

Утган вақт мобайнида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, фарзандларига дам олиши ва даволаниши учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Тоғли ҳудудда жойлашган 25 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, 4 та даволаш муассасаси ва яна бир қанча дам олиш масканида ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари соғлигини мустаҳкамлашди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам бериш, узоқ йиллар ички

ишлар органларида хизмат қилган фахрийларга, хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига ғамхўрлик кўрсатиш ҳам касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларига кирди.

– Тизимда 300 нафар хотин-қиз фаолият юритида, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Муножот Норова. – Ҳар йили Хотин-қизлар байрами муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади ва уларга эсдалик совғалари тақдим этилади.

Ҳар икки йилда бир марта «Энг фаол ёш ички ишлар ходими» кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди.

2018 йилда вилоят бўйича ички ишлар ходимларига 33 та йўлланма ажратилди. Шунингдек, 29 нафар ходимнинг яқин қариндошлари ҳам соғлигини тиклаш имкониятига эга бўлди. Жорий йилнинг тўққиз ойида 21 нафар ходим ота-онаси учун сана-

торийга йўлланма олгани эса ғамхўрликнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳоланди.

– Отам умрида бирон марта сихатгоҳда дам олмаган эди. Касаба уюшмалари кўмаги билан «Чинобод» санаторийсидан ҳордиқ чиқарди, – дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Элёр Норманов. – Биз ҳам бундан ниҳоятда хурсандмиз. Шунини алоҳида эътироф этиш ўринлики, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг қўшма қарорига асосан, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларга ҳам санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш белгиланган.

Ички ишлар ходимларининг касабга уюшмаларига бўлган ишонч кундан-кунга ортиб бораётди.  
**Ақмак АБДИЕВ,**  
«ISHONCH»  
**Эълон**

## Сирти ялтироқ сарой

### ёхуд маданият масканлари нега қурилган?

Маданият аҳлининг илҳомбахш тадбирлари, истеъдодли санъаткорлар хизмати доимо элнинг кайфиятини кўтарган. Бу борада Қорақалпоғистоннинг Амударё, Кўнғирот ва Эллиққалъа туманлари маданият бўлимлари томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Аммо баъзи маданият бўлимлари фаолиятини тўқис, деб айта олмаимиз.

Тахиятош тумани маданият бўлимида 22 нафар ходим ишлайди. Утган асрининг 70-йилларида бунёд этилган марказ иморати таъмир-талаб ҳолатта келиб қолган. «Айдин жол» маҳалла фуқаролари йиғини худудидаги икки қаватли бинода вақтинчалик жойлаштирилган муассасида бир маромда иш юритиш учун шароит йўқ.  
– Истеъдодли ёшларни жамлаб машғулотлар ўтказяпмиз, – дейди хореография тўғраги раҳбари Нодирбек Палимбетов. – Кўпала болаларда санъатнинг ушбу турига қизиқиш бор.  
– 1990 йилдан буён миллий кўшиқчилик тўғраги раҳбарлик қилиб келаман, – дея сўзимизга қўшилади Кумисой Мустафоева. – Кичик бир гуруҳ бўлиб, пахтакорлар ҳузурда концерт дастурларимизни намойиш этипмиз. Агар автоулол бўлганда ишимиз анча самарали кечарди.  
Шуманай тумани маданият бўлими замонавий бинода жойлашган. Борган кунимиз муассаса ходимларини соатлаб куттишга мажбур бўлдиқ. Фақат тушликка яқин оқинди.

– Марказимиздаги тўғаракларда фаолият тушиқикдан кейин бошланади, – деди маданият бўлими ҳисобчиси Ойимхон Камалова.

Ташқаридан қараганга кам-кўсти билинавермайдиган марказда яқин ўн йиллар давомида бирон-та тадбир ёки концерт ўтказилмаганини эшитиб, ҳайратта тушдиқ. 1985 йилда фойдаланишга топширилган икки қаватли иморатнинг орқа тарафида хавфсизликни таъминлаш мақсадида баланд гишдан суянқиқлар барпо қилинган. 400 нафардан кўпроқ томошабинни сиғдириш имкониятига эга кенг ва катта зал хувиллаб ётибди. Оқиндан ёпиғи кўп эшиқлардан ичкарига киролмаган одамларнинг кўча бўйирида шахмат-шашка ўйнаб ўтирганига гувоҳи бўлидиқ.

– Катта саройдаги ўнлаб хоналарнинг бирини кексалар учун ажратиб беришни сўрасак марказ раҳбарияти эътироз билдирди, – дейди шуманайлик Рихор Султамуратов. – Шу ердаги даракларнинг соясини ҳар куни ноилжолликдан шахмат-шашка ўйнайдиган жойга айлантирдик.



Шу ўринда маданият муассасаларининг вазифалари нималардан иборат, деган ўринли савол туғилди. Нурунийлар бўш вақтларини бесамар ўтказмаслик учун уюлиб, ақлини чархласа, шахмат-шашка ўйнаб кўнгилли дам олса, спорт баҳона дийдор кўришса, нимаси ёмон. Катта маблағлар эвзизига бунёд этилган улкан иморатнинг бўш турган хоналаридан бирини кексалар учун ажратиб бериш шунчалар қийин ишми? Аслида, сирти ялтироқ саройлар кимлар учун хизмат қилиши керак?


– Ушбу саройда яқин ўн беш йилда концерт бўлганини эслаёлмайман, – дейди шуманайлик Қуралбой Жақсийлов. – 2003 йил 19 май куни Тошкентдан таниқли санъаткорлар, актёрлар келган эди. Шундан кейин бу ерда бирон-та тадбир ўтказилмади.  
Маълум бўлишича 2012 йилда маданият марказида йирик таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин иморатни бунёд этишда йўл қўйилган хатолар туфайли, орадан вақт ўтиб бир тарафдаги деворга ёриқлар тушган. Хавфсизлик нуктаи назардан келиб чиқиб, томошабинлар залида тадбирлар ўтказиш вақтинчалик тўхтатилган.

Шуманай тумани маданият бўлимида бугун 34 нафар ходим фаолият кўрсатади. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун шароитлар ҳам мавжуд. Жамоада фақат ташаббускорлик, ходимларда эса бироз ҳафсала етишмапти.

Маданият марказлари исми жисмига мос тарзда фаолият юритса, аҳолининг талаб ва истакларини ўрғаниб, ҳар хил қизиқарли тадбирлар ўтказиб бурса, аҳолининг иштиёқ билан борадиган гавжум жойларидан бирига айланган бўлармиди?!

**Орғиқбой МАМУТОВ,**  
«ISHONCH»

Шошманг, биродар, барака тоғур! 80 гектар майдоннинг 1 миллион 600 минг квадрат метрида ёппасига қурилиш ишларини олиб бориш бўёқчининг қил қаламда нил тортиши эмас. Сиз унинг битган, қад ростлаган, пардоздан чиққан биноларини бир кўринг, хайратдан озгиниз очилмасан, мана мен кафил! Мана-ман деган мамлакатлардаги ҳашаматли саройларни кўриш насиб этган киши сифатида айтман – мейморлик санъати, нафис дид, маҳобат борасида заррача кам жойимиз йўқ. Ана, не-не дунё кезган хорижлик сиёсатдон дипломатик корпус вакиллари ҳам хайратларини яширишмапти, баҳри диллари очилганча кириб боришмоқда қошонага. Янгилек, кенглик, ёруғлик диллардаги кин-губорларни ҳайдаб солади, киши кайфиятини осмонлар сари кўтарди, деган ҳикматнамо гапнинг исботини кўриб тургандек эдим. Зеро, ёшидан, жинсидан, мавқеидан қатъи назар, анжуманга ошиққан – ташир буюраётган қатнашчилар кўтаринки кайфият тимсолига айланган эдилар, назаримда. Давлатимиз раҳбари бу кайфиятни икки оғиз жумлада ифодалади: «Тошкент-Сити» маркази мамлакатимизда қурилиш ва ар-



**Хуршид ДЎСТМУХАММАД,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси,  
филология фанлари доктори

ҳикоя қилиш мавриди келди. Зеро, она тилимизга давлат тили мақоми берилиши ўзбек тили, демакки, ўзбек халқи мустақил яшашга қодирлигидан дало-

тимиз тақдири, қисмати, орзу-ҳаваси, шукҳи, ор-номуси, нафсонияти, бугуни ва истиқболи, ахир!  
Нутқда тилга олинган қуйидаги биргина рақамга эътибор берайлик: «Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди».  
Нуфуси миллиардлардан ошиб кетган мамлакатларни биламиз, тили миллиардлаб мулоқотлар воситасига айланганлар ҳам маълум. Лекин барибир «50 миллион» ҳам кичик рақам эмас. Бу рақам тимсимиз ортиб боришига шак-шубҳа йўқ. Лекин гапнинг муҳими бошқа ёқда: биз 50 миллионлик миллатимиз! Тилимиз 50 миллион инсоннинг бошини қовуштириб турибди, дилини дилига пайванд этмоқда, ғурурига ғурур қўшмоқда! Ана шу ғурур олови, алангаси бу ёруғ очунда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, юзимиз ёруғлиги, қаддимиз сарафрозлиги тимсоли эканлигини ҳар бир ўзбек билиб қўймоғи, англаб етмоғи шарт!

**ТИЛНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ**

Ўз она тилини муқаммал билиш, унинг қадр-қимматини жойига қўйишнинг ҳикмати кўп. Чунончи, она тилига ҳурмат

**Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қодарисига айлантирмоғимиз лозим.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

расида олдимизда турган вазифалар тоғ-тоғ бўлиб турибди. Нутқда айтилганидек, ўзбек тилининг компьютер дастурлари, онлайн дарсликлар, электрон лугатлар қанча кўпайса, шунча оз. Замоннинг талаби бу, Президентнинг қақриғи, давлати бу!

**ЁЗУВЛАР – САВОДХОНЛИК КЎЗГУСИ**

Ёзувсиз кўча йўқ, атамасиз бино-иншоот йўқ. Кўзга ташланган ёзувларнинг гўзаллиги, бежиримлиги – эстетикаси алоҳида мавзу. Уларнинг қайси тилда, алифбода ёзилгани, имловий тўғрилиги, очиги, ташвишли аҳволда эканлигини мамлакат раҳбари афсус билан тилга олди. Топонимик номлар, белгилар, ҳатто, хусусий идора, ташкилот, муассасалар, марказлар пештоқидаги ёзувлар шунчаки ёзув эмаслигини англаб етиш миллий ғурур, сиёсий ва маънавий хушёрликни, оддий саводхонликни талаб этади. Ҳамонки, ҳар бир ёзув аҳоли ва кенг омма эътибори учун мўлжалла-

# Эҳтиром шодиёнаси

хитектура соҳасида тараққийнинг янги даври бошланганини кўрсатади.

Шояд! Бинокорлик соҳасидаги янги давр миллий маънавиятимиз пойдевори, ўзаги бўлмиш давлат тилига бўлган муносабатимиздаги янги даврни бошлаб берди, том маънодаги янги даврни!

**БАМИСОЛИ МИНГ ЙИЛЛИК ЧИНОР!**

Президент ўзбек тилининг олис тарихига алоҳида урғу берди. Дарҳақиқат, ўзбек тили кеча пайдо бўлган эмас. Тилимиз тарихи халқимизнинг, давлатимизнинг олис тарихига туташиб кетган. Ота-боболаримиз ўз сўзини ўзбек тилида айтган. Достонларимиз, эртакларимиз, мақомларимиз, лапарларимизгача ўзбек тилида қуйланган, авлоддан-авлодга ўтган. Аждодларимиз қанчадан-қанча зафарли онларни бошидан кечирган бўлса, таассуфлар бўлмайми, қанчадан-қанча истилолар, азоб-укубатлар, кулфат ва мусибатлар қомига тортилган бўлса, она тилимиз уларнинг ҳеч биридан четда қолган эмас. Курашлар дош берган, сайқал топган, бойиб борган – нафақат сақланган, балки минг йиллик чинор янглиқ қадди-баста, кўржи, маъно-мазмуну, салоҳияти бирон дақиқа ривожланмишдан, такомиллашмишдан тўхтамаган – ЯША-ГАН!

**ИЛК ҚАДАМ**

Ўтган юз йиллик ер курраси аҳолиси, жумладан, ўзбек халқи учун факултетада воқеа-ҳодисаларга тўлиб-тошган асп сифатида тарих саҳифалари бахитлиди. Хусусан, асрнинг сўнгги 10 йиллиги ўнлаб давлатлар, миллионлаб инсонлар, тақдирлар, қисматлар учун рўшнлик воқеалари билан бошланди. Мустақилликнинг ҳаётбахш шамолларидан баҳрамандлик тарихий, сиёсий ва аниқса, миллий-маънавий маънодаги уйғонишни бошлаб берди. Бу палла Ўзбекистонда ғоятда ўзгача кечди: давлат мустақиллиги эълон қилинишидан қарий икки йил илгари она тилимизга давлат тили мақоми берилди!

Истаганча талкин этилишига изн берадиган воқеа бу! Она тилимизнинг яшовчанлигини, тарих тўфонлари олдида ўзи-ўзигани сақлай олиш қудратидан далолат эди бу воқеа! Шўролар салтанати айна жиловни маҳкам тутган, бирон-бир қардош миллий тилга рўшнликни раво кўрмаган мафкура таълиқлари остида ўзбек тилимизнинг сиёсий мавқеи қарор топиши уникал воқеа эди! Бу борада, яъни 1989 йилнинг 21 октябрга қадар кечган машаққатли ва мардонвор кураш босқичларини энди авлод вакиллари учун рўй-рост

лат берувчи муборак ва қутлуғ илк қадам эди!

**АРМОН ЭМАС, ОРЗУЛАРДАН СЎЙЛАЙЛИК**

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига роппа-роса 30 йил тўлди. Эҳ-ҳе-е, озмунча ишларни амалга ошириш мумкин эдимиз бу даврда?! Газетхонлар кечирсинлар-у, ҳаётда у ёки бу айбни ўзгалар зиммасига ағдаридишдан осони йўқ. Ростини айтадиган бўлсак, мен нима қилдим, дея ўз-ўзимизни кўндаланг саволга тутадиган пайт келди. Янаям аниқроғи, армонлардан тегишли хулоса чиқариб, бугунги дорилмомон кунларда дўппини ерга олиб қўйиб, орзулардан тиниқ режалар тузиш, АМАЛИЙ ишларга киришиш даврони етди. Кейинги уч йиллик ниҳоятда қисқа фурсатда кўз ўнгимизда маънавият ва маърифат борасида ўз бераётган воқеалар шуни кўрсатмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши, атоқли адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг очилгани, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбекчалаштириш борасида янги поғоналар забт этилаётгани, хосиятан, она тилимизнинг халқаро майдондаги нуфузининг орта бораётгани далда берувчи, даъват этувчи, олға бошловчи кучга айланмоқда. Зеро, янги давр куч-ғайратларни янгича сафарбар этишни, миллий ғурур – миллий салоҳиятни янгича мақомларга кўтараришни тақозо этади.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР ТИМСОЛИ**

Давлатимиз раҳбарининг тилидан: «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган сўзларни эшитиш ўзгача руҳ, ўзгача ғурур бахш этди тингловчиларга. Хусусан, она тилимизга бағишланган тантананада, юксак минбардан туриб жаранлаган бу сўзлар моҳиятидаги ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий, ҳам миллий, ҳам тарихий, ҳам илмий, ҳам ахлоқий маъно-мазмунни ифодалаш жилд-жилд китобга жо бўлади. Президентимизнинг: «Мен бугун «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чеқдим» деган хушхабарни анжуман руҳини авж пардаларга кўтарди! Олқишларга сазовор бўлди. 21 октябр санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами кунини» деб белгиланди!

Очиги, бундай янгиликлар давлат раҳбари тилидан янграшнинг аҳамияти, нуфузи, салмоғи миллий ғурур юксалишига қанчалар таъсир кўрсатишини тасаввур қилиб, энтиқиб кетасан киши! Тил милли-

бажо айлаш ўзга тилларни эгаллаш сари йўл очади. Юксак интеллектуал ва жаҳонгашталиқ чўққисига чиққан ҳозирги замон кишиси учун тилнинг бегонаси йўқ.



Хозирда ўзбекнинг оёғи етмаган мандил-маскан қолмади ҳисоб ер юзида. Бинобарин, ажнабий тилларни ўрганиш, ўша тилларда мақсад-маслагини изхор эта олиш жуда-жуда оддий ва табиий ҳол бўлиб қолди. Президент мазкур масалага алоҳида эътибор қаратди. Буюк аллома аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганликларига урғу берди. Бу азаллий хайрли анъана мамлакатимизда юқори замонавий мавқега эга бўла бораётгани янада қувонтирмоқда. Бошқача айтганда, ўзбек тилини астойдил ўрганаётган хорижлик ўзбекистон дўстлари нечоғли кўпайса, дунё билан дўстлашаётган ўзбек ватандошларимиз сафи ҳам шунчалар ортиб бориши муқаррар.

Ҳа, ўзбекона бағрикенглик жаҳонга юз тутуш, тил ўрганиш борасида ҳам қўл келмоқда.

**ИНТЕРНЕТ ВА ТИЛ**

Ҳар қандай миллий тил тиллараро мулоқот муҳитида яшайди. Бундай «яшаш» тарзи натижаси ўлароқ миллий тиллар ўзга тиллар, атамалар, тушунчалар ҳисобига бойийди. Глобаллашув ва шиддатли ахборот оқими ҳар кунни, ҳар соатда ўнлаб янгидан-янги сўзларни ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Дунё мулоқот майдони интернет саҳифаларига кўчгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бу борада рақобат авж олгани ҳам барчага аён ҳақиқат. Галдаги вазифа беповён интернет оламни забт этиш. Афсус, интернет саҳифаларини ўзбек тилидаги маълумотлар билан бойитиш, шу орқали Ўзбекистонни, ўзбек тилини, ўзбекона тафаккур, ақл-идрок салоҳиятини тарғиб этиш бо-

нар экан, бу хусусий-ихтиёрий мазмундаги «Бўзчи билганини тўқийди» қабилидаги иш эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик вазифа, бурч, мажбурият. «Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга бепасандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради». Шу маънода Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилгани, Атамалар комиссиясини тузиш масаласи назарда тутилгани айна муддао бўлди.


**ДАЪВАТ, ШИОР**

Тарихий нутқ пировардида айтилган қуйидаги сўзлар ватандошларимиз – кексаю ёш, аёл-у эркак ҳаётида, ҳар бир оила, ҳар бир жамоанинг кундалик турмушида бот-бот, тақрор ва тақрор тилга олинмоғи, даъваткор шиор мақомига эга бўлмоғи зарур:

– Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қодарисига айлантирмоғимиз лозим.

**...Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқи янграган анжуман давлат тили – Она тилимизга эҳтиром шодиёнасига айланди. Эҳтирослар янғитдан кўз очди, умид уқунлари янгилади, янги-янги режалар, вазифалар белгиланди. Оқиллик, одиллик ва эзу-ниятлар ила бошланажак амаллар хайрли натижалар сари етаклашига имон келтирилди.**

**Дўстлик ришталари**



Ироҳа ХАСИДОВА оёқдан сурат.

# Ўрганишга МОЛИК асарлар

Мустақилликнинг дастлабки йиллари тетапога бўлаётган барча давлатлар учун осон кечмади. Галла – дон мустақиллигига эришиш, sanoatни ривожлантириш, ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш, таназзулга учраган завод ва фабрикаларни «ушлаб» қолиш каби қатор муаммолар Ҳамдўстлик мамлакатлари учун ўзига хос синов бўлди. Жумладан, ён қўшнимиз – қардош ва биродар туркман халқи ҳам ўзининг биринчи раҳбари бошчилигида ушбу синовларни бирин-кетин енгиб ўтишига тўғри келди.

Бугунги кунда изчил ислорхотлар олиб бораётган раҳбар – Гурбангули Бердимухамедовнинг оқил-она сиёсати туфайли мамлакат иқтисодиётида барқарор ўсиш ва фаровонликка эришилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг «Туркманистон – фаровонлик ва тараққийёт мамлакати», «Арқадағнинг бахтиёрлик замонини», «Туркманистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида», «Туркманистон қураёт ва саодат даврида» каби асарлари тақдимоти бағишлаб ўтказилган конференцияда бу ҳақда батафсил сўз юритилди.

– Ўтган йиллар мобайнида Туркманистон иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, жумладан, sanoat инфратузилмаси, нефть-газ соҳалари, электроэнергия, қурилиш, тўқимачилик, йўл-транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалигини ислорх қилиш каби жаҳонларда салмоқли ютуқларга эришишди. Муаллифнинг асарларида ҳам унинг кенг муноша ҳақида таҳлилчи, нуктадон сиёсатчи – давлат етакчиси эканлиги кўриниб турибди, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори Қаландар Абдурахмонов.

Дарҳақиқат, 2016 йилларда дунёда кузатилган иқтисодий инқироз даврида айрим ривожланган давлат-

ларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2-3 фоизни ташкил этган бир пайтда Туркманистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан пасаймай келмоқда. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай шароит яратилиб, барча жаҳонларни технологиялаштириш жараёни кетмоқда. «Давлат – инсон учун» шиори остида аёлларни иш билан таъминлаш, мактабгача таълимни ривожлантириш, олий ва ўрта таълим соҳасидаги педагоглар учун қулай шароит яратиш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Гурбангули Бердимухамедов ўз асарларида туркман халқининг тарихи ва маданияти ўзига хослигини қайд этиш билан бирга, аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни чуқур ва атрофлича илмий таҳлил қилган. Дарвоқе, муаллифнинг шу пайтгача чоп этилган асарлари 35 тага етди.

Тақдиримизда таниқли иқтисодчи олимлар, молия соҳасининг етуқ мутахассислари ҳамда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этишди. Конференцияда маърузачилар ҳам бир асар ва унинг мазмунига алоҳида тўхталиб, иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва мутахассисларга атрофлича ўрганишни тавсия қилишди.

**Забно НАМАЗОВА,**  
«ISHONCH»

**Эълон**

Янгийўл туманидаги «Toshpo'lat fayz ziyo» масъуляти чекланган жамияти ўз устав жамғармаси 130 691 066 сўмдан 64 716 858 сўмгача камайганини маълум қилади.

Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоятдаги тармоқ қасаба уюшма кенгашлари жамғармаси Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Мустафақуловга отаси **Ражаб МУСТАФАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС:**  
**O'zbekiston kasabalar uyushmalar Federatsiyasi**  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**  
**Хусан ЭРМАТОВ**  
Бўлимлар:  
Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Shag'» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Баҳоиси келишилган нарҳда.**  
Таҳририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Protoka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
С. Абдурахмонов  
**Мусаҳҳих:**  
С. Шодиева  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов  
УшА яқини – **23:00**  
Топширилди – **23:30**  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюроғи Т-1117.  
**27551** нускада босилди.  
Навр кўрсаткичи: **133**